

ШХТ САММИТИ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Тяньцзинь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Беларусъ Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модӣ, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, ШХТ бош котиби Нурлан Ермеқбаев ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Уларбек Шаршеев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари

муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан очиқ фикр алмашилди.

Хитой Раиси Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарига сўз берар экан, мамлакатимиз етакчиси ва халқини Мустақиллик кўни билан қутлади ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон юксак суръатда ривожланиб, мамлакатда ҳаёт яхшилангани ҳамда Хитой томони бундан жуда мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз учрашув иштирокчиларини қутлаб, Хитойнинг ШХТга раислигини юксак баҳолади ва Иккинчи жаҳон урушидаги буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан табриклади, шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарларига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан билдирган самимий табриклари ва эъту тилаклари учун миннатдорлик изҳор этди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу саммит глобал ноаниқлик шароитида ўтаётганини қайд этди.

Ишончнинг тизимли инқирози, можароларнинг кенгайиб бораётгани, кўп томонлама институтларнинг заифлашиши ва жаҳон савдо тизимининг парчаланиши халқаро хавфсизлик ва барқарорлик архитектураси асосларига путур етказмоқда.

— Бундай шароитда ШХТ давлатларининг бир-бирини ўзаро тушуниши ва бирдамлиги — бу фақат қимматли бойлик эмас, балки бизнинг бепоен минтақамизда тинчликни сақлашнинг калитидир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз раҳбари қуйидаги масалаларга эътибор қаратди.

Энг аввало, ташкилотнинг самардорлигини ошириш, унинг институтлари ва қарорларни амалга ошириш

механизмларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Ташкилотни трансформация қилиш бўйича Самарқанд саммитида бошланган жараёнлар ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам беришига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТни изчил кенгайтириш, унинг мулоқот бўйича шериклари таркибига янги аъзоларни, жумладан, бошқа минтақа давлатларини қўшиш зарурлигини, бу ташкилотни Глобал Жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беришини таъкидлади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШХТнинг устувор йўналишларидан биридир.

— Бугунги кунда келишилган ёндашувларга ҳамда ишонч ва хавфсизликни таъминлашнинг янги механизмларига талаб кучайиб бормоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ядро хавфсизлиги йўлида кўп томонлама шериклигини мустаҳкамлаш бўйича ШХТ декларациясини қабул қилишга қақирди. Ушбу декларация тинчлик йўлидаги атомни ривожлантириш ва фавқулодда ҳолатларга жавоб қайтаришнинг мустаҳкам асосига айланади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги тарқатмаслик глобал режимига муносиб ҳисса бўлади.

Трансчегаравий таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, ГИёҳвандликка қарам бўлиб қолишга қарши курашнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолияти қайта

тикланишини қўллаб-қувватлади. Конструктив мулоқотларни ривожлантириш ва Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаларидан бири бўлиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ҳозирги тенденцияларни ҳисобга олиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

— Биз кенг минтақамизда иқтисодий ҳамкорлиkning барқарор моделларини шакллантириш тарафдоримиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Савдони соддалаштириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги битимни имзолаш ҳамда минтақавий саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини тезроқ жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Аввало, Хитой Халқ Республикасининг Раиси, хурматли Си Цзиньпин Жаноби Олийларига мажлисимизни юксак даражада ташкил этгани ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Шунингдек, барча иштирокчиларни халқларимиз улкан ҳисса қўшган Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан табриклашга ҳам ижозат бергайсиз.

Қирғиз Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан хурматли Президент Садир Нургожоевич Жапаровга билдирилган табрикларга қўшиламан ва Ўзбекистоннинг энг улуғ ва асосий давлат байрами муносабати билан айтилган илиқ сўзларингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бизнинг учрашувимиз Хитойнинг қадимий маданияти ҳамда унинг саноат ва технологик йўналишдаги жадал тараққиёти ўртасидаги уйғунлиқни ўзида мужассам этган Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

Бу ерда буюк Конфуцийнинг “Ҳаётда ўз ўринини топишни хоҳлар экансан, бошқаларга ёрдам бер, муваффақиятга интилар экансан, бошқаларнинг ютуғига кўмак бер”, деган ҳикматли сўзлари ўзгача руҳда янграйди.

Бу минг йиллик фалсафа ўзаро ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аъзо давлат манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бутунги миссиясига ҳамоҳангдир.

ШХТ маконида умумий тараққиёт ва раванқ айнан ана шундай мустаҳкам пойдевор устида барпо этилмоқда деб ҳисоблайман.

Хитойнинг самарали раислиги туфайли Ташкилотимизнинг нуфузи янада мустаҳкамланди, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиги кенгайди.

Ишончим комилки, ўтаётган ушбу саммит янги тарихий даврни бошлаб беради ва ўзаро муносабатларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

Хурматли ҳамкасблар! Иқтисодий, интеллектуал, ресурс ва технологик йўналишларда улкан салоҳиятга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро майдонда ўз таъсирини изчил кенгайтириб бормоқда. Глобал ноаниқлик кузатилаётган ҳозирги шароитда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишончнинг тизимли инқирози, можароларнинг кенгайиб бораётгани, кўп томонлама институтларнинг заифлашиши ва жаҳон савдо тизимининг парчаланиши халқаро

хавфсизлик ва барқарорлик архитектураси асосларига путур етказмоқда. Бундай шароитда ШХТ давлатларининг бир-бирини ўзаро тушуниши ва бирдамлиги — бу фақат қимматли бойлик эмас, балки бизнинг бепоен минтақамизда тинчликни сақлашнинг калитидир.

Айниқса, ШХТ тенг ҳуқуқли мулоқот, ўзаро ҳурмат ва шериклик макони бўлиб қолаётгани муҳим. Айнан шу жиҳат манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва замонамизнинг энг мураккаб хавф-хатарларига биргаликда жавоб топиш имконини бермоқда.

ШХТнинг овози бизнинг умумий сиёсий иродамиз ифодаси, тинч келажак ва барқарор тараққиёт йўлидаги қатъий сазй-ҳаракатларга чорловимиз сифатида янада ишончли ва баралла янграши керак деб ҳисоблаймиз.

Кўп томонлама ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш бўйича ўз қарашларимиз билан ўртоқлашишни истар эдим.

Энг аввало, Ташкилотнинг самардорлигини ошириш, унинг институтлари ва қарорларни амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлаш зарур. Ташкилотни трансформация қилиш бўйича Самарқанд саммитида бошланган жараёнлар ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради деб ишонаман.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ПЛЮС” ФОРМАТИДАГИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хитой Халқ Республикаси Раиси, хурматли Си Цзиньпин Жаноби Олийларига аънавий самимий қабул ва мамлакатнинг “шимолӣ дарвозаси”, деб аталадиган гўзал ва жўшқин Тяньцзинь шаҳрида саммитни юксак даражада ташкил этгани учун яна бир бор чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Кузатувчи давлатлар, шериклар ва саммит меҳмонлари делегацияларини, шунингдек, етакчи халқаро институтлар раҳбарларини қутлашдан мамнунман.

Том маънода очиқлик ва кўп томонлама ҳамкорлик руҳига жавоб берадиган “ШХТ плюс” формати ишончли мулоқот учун замоннинг ўзи талаб қилаётган майдонга айланиб бормоқда.

Олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро вазият ҳукм сураётган шароитда ШХТ жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашнинг мустаҳкам таянчларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Хурматли учрашув иштирокчилари! Ушбу саммитимиз йигирманчи асрнинг муҳим фойдаси бўлган Иккинчи жаҳон уруши тугатганининг 80 йиллиги байрам қилинаётган йилда ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бу нафақат муҳим тарихий воқеа, балки ўзига хос оғоҳлантириш ҳамдир. Тинчлик

бир марта ва доимий эришиладиган нъмат эмас, уни доимо асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш зарур.

Низо ва можаролар тўлқинини тўхтатиш, ишончини қайта тиклаш, тинч-отув ҳаётга интилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъерларини ҳурмат қилиш муҳимдир.

Шу муносабат билан хурматли Раис Си Цзиньпин илгари сурган Глобал бошқарув бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Халқаро муаммолар ҳақида гапирганда, Ғазо секторидagi вазиятга эътибор қаратмасдан ўтолмайман. Ушбу минтақада вазият яна кескинлашаётгани ва аҳолининг аҳволи ёмонлашаётгани чуқур ташвиш уйғотмоқда.

Фақат “икки халқ учун — икки давлат” тамойили асосида Фаластин — Исроил масаласига адолатли ечим топиш орқали Яқин Шарқдаги можарони тўхтатиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Кўп томонлама ҳамкорлик борасида, бизнинг назаримиздаги, энг муҳим вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Бугунги кунда жаҳон хавфсизлигини таъминлашнинг бизга таниш омиллари доирасидан чиқиб кетган таҳдид ва хатарларнинг мураккаб ҳамжўаси қаршида турибди.

Иқлимнинг кескин ўзгариши, энергетика ва озиқ-овқат ресурслари тақчиллиги, миграция инқирозлари, киберхужумлар ва бошқа кўплаб янги хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда.

Фақат хавфсизлиkning бўлинмаслиги тамойилига асосланган коллектив сазй-ҳаракатларгина халқларимиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш имкониятини беришини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу маънода, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси базасида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ, шунингдек, Душанбеда Наркотикларга қарши курашиш маркази ташкил этилганини олқишлаймиз.

Келгуси йили Тошкентда мамлакатларимизнинг ваколатли органлари раҳбарлари, етакчи эксперт ва тадқиқотчилар иштирокида биринчи “Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти”ни ўтказишни таклиф қиламан.

Иккинчи. Афғонистондаги вазиятнинг ҳисобга олмадан ва халқаро ҳамжамиятнинг афғон ҳукумати билан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб, минтақамизда барқарорлиқни таъминлаш мумкин эмас.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Биз Ташкилотнинг изчил кенгайиши тарафдоримиз. Чунки “ШХТ модели”нинг муваффақияти унинг очкилиги ва кенг қўламли ҳамкорликка йўналтирилганидир. Биз ўз келажагини ШХТ билан боғлиқ ҳолда кўраётган давлатларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга тайёриймиз.

ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари таркиби, жумладан, бошқа минтақа давлатлари ҳисобидан кенгайиб бораётгани Ташкилотни Глобал Жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беради.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик — ШХТнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларидан биридир. Бугунги кунда келишилган ёндашувларга ҳамда ишонч ва хавфсизлиқни таъминлашнинг янги механизмлари-га талаб кучайиб бормоқда.

Ядро хавфсизлиги йўлида кўп томонлама шериклики мустаҳкамлаш бўйича ШХТ декларациясини қабул қилиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Ушбу декларация тинчлик йўлидаги атомни ривожлантириш ва фақуллода ҳолатларга жавоб қайтаришнинг мустаҳкам асосига айланади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги тарқатмаслик глобал режимига муносиб ҳисса бўлади.

Терроризм ва экстремизмнинг табиати сезиларли равишда ўзгараётгани, кибержиноятчилик, синтетик наркотиклар ишлаб чиқариш ва айланмаси ўсиб бораётгани, уюшган жиноятчилик кучаяётгани муносабати билан билдирилаётган хавотирларга қўшилиамиз.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашиш мақсадида Йчки ишлар ва жомоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта қўриб чиқиш, Гиёҳвандликка қарам бўлиб қолишга қарши курашишнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

“ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолияти қайта тикланишини қўллаб-қувватлаймиз. Конструктив мулоқотларни ривожлантириш ва Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш унинг асосий вазифаларидан бири бўлиши мумкин.

Бошланиши 1-бетда

Ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш мақсадида ШХТ доирасида Стратегик материаллар бўйича минтақавий марказ, Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жамғармалари тармоғи, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби бир қатор янги кўп томонлама тузилмаларни қўллаб-қувватлаш воситаларини жорий этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқаётган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.



“ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Янги мультимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлаклар яратилиши назарда тутувчи концепцияни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш борасида иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога захарли газларни чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ҳозирги тенденцияларни ҳисобга олиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратамиз.

Биз кенг минтақамизда иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор моделларини шакллантириш тарафдоримиз. ШХТ маконида минтақавий ички маҳсулот айирбошлаш ҳажмини оширишга туртки берадиган Савдони соддалаштириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги битим имзоланишини муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

Ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш зарур эканини таъкидламоқчиман.

Шу муносабат билан ШХТ доирасида минералларни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлашда илгор технологияларни жорий этиш мақсадида Стратегик материаллар бўйича ШХТ минтақавий маркази, мамлакатларимизда мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш ва “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш учун ШХТ Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жамғармалари тармоғи, мамлакатларимиз минтақаларини жалб қилган ҳолда, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби қатор янги кўп томонлама платформалар ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш воситаларини ташкил этишни таклиф қиламан.

Минтақавий саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини тезроқ жорий этиш мумкин. Ушбу масалани ваколатли вазирлар даражасида яна бир бор қўриб чиқишни таклиф этамиз.

Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мамлакатларимизнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқаётган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз “ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббус билан боғлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятларни

кўрмоқдамиз. Бу янги мультимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлаклар яратилиши назарда тутати. Бу борада тегишли кўп томонлама концепцияни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Яна бир устувор йўналиш — ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш. Хитой томонининг ташаббуси билан “Яшил” саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот ўз вақтида қабул қилинмоқда деб ҳисоблайман.

Шунингдек, иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога захарли газларни чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарур.

Маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва халқ дипломатиясини институтини кучайтириш ШХТ доирасидаги узоқ мuddатли шерикликнинг муҳим омил ҳисобланади.

Халқ ижодиёти халқаро фестивалларини ўтказиш, “ШХТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, инновацион йўналишлар бўйича ҳар йили талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида танлов ва олимпиадалар ташкил этиш гуманитар алмашувларни ривожлантириш ва халқларимизни янада яқинлаштиришга кучли туртки бериши мумкин.

Бундан ташқари, “Сайёҳлик йўлағи” ва ШХТ тиббиёт туризми альянсини ишга тушириш каби истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиқни қабул қилгани муносабати билан Садир Нургожоевични табриқлаб, Сизга бу борада улкан муваффақиятлар тилайман.

Нутқимнинг якунида бугун қабул қилинаётган Тяньцзинь декларацияси, ШХТни 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ва бошқа ақуний ҳужжатлар кўпқиррали ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва замонавий таҳдидларга самарали ечимлар топишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади деб ишонч билдираман.

Биз ШХТ доирасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги умумий вазифаларни ҳал қилиш учун ишларни биргаликда давом эттиришга тайёриймиз. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ПЛЮС” ФОРМАТИДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан Афғонистонда, умуман, бутун минтақада узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликдан манфаатдор бўлган ШХТ давлатларининг сиёсий иродасига боғлиқ.

Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва у билан минтақавий кооперацияни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ШХТдаги шерикларимиз билан кенг қўламли ҳамкорликка тайёриймиз.

Учинчи. Мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ва стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо майдончаларини ривожлантириш, саноат кооперацияси ва инновацияларни рағбатлантириш учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш муҳим.

Бизнес соҳасидаги мулоқотлар учун самарали майдонни ишга тушириш мақсадида, барча манфаатдор шерикларимизни жалб этган ҳолда, ҳар йили “ШХТ Инвест” инвестиция форумини ўтказишни таклиф этаман. Биринчи форумни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишга тайёриймиз.

Тўртинчи. Минтақамизни глобал йўлаклар билан ишончли боғлашни таъминлайдиган самарали транспорт йўналишларини яратиш биз учун ҳаётини муҳим масаладир.

Шу борада амалга оширилаётган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга.

Келгусида ушбу йўналишнинг Трансафғон йўлағи билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантириш имконини беради.

Бешинчи. ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил энергетика каби илгор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир бўлган улкан илмий-техник салоҳиятга эга.

Янги ғояларни генерация қилиш, илгор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инновацион-технологик хаблар тармоғини яратишни амалий қадам сифатида таклиф этамиз.

Олтинчи. Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлиқни кенгайтириш умумий манфаатларимизга жавоб беради ва дўст халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қилади.

“ШХТ оиласи” маданий ранг-баранглиги ва бой қадриятларини илгари суришга қўмаклашиш билан шугулланадиган Буюк ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этишни таклиф қиламан.

Шу йилнинг кузига ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқанда ўтайдиган асосий тадбирлари мамлакатларимизнинг ноёб тарихий меросини намойиш этиш учун муҳим майдон бўлиши мумкин.

Барча шерикларимизни катта мамнуният билан ушбу муҳим маданий воқеаларда фаол иштирок этишга таклиф этаман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Ишончим комил, “ШХТ плюс” форматидаги ушбу саммитнинг сермахсул натижалари барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, кўпқиррали шериклиқни кенгайтириш, барча мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ШХТ САММИТИ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш мақсадида ШХТ доирасида Стратегик материаллар бўйича минтақавий марказ, Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жамғармалари тармоғи, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби бир қатор янги кўп томонлама тузилмаларни қўллаб-қувватлаш воситаларини жорий этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқаётган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.



“ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Янги мультимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлаклар яратилиши назарда тутувчи концепцияни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

ШХТнинг “яшил” трансформация соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш борасида иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога захарли газларни чиқаришни камайтириш, экологик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.



Ўзбекистон Президенти ўз нутқида очкилик ва кўп томонлама ҳамкорлик руҳига тўлиқ жавоб берадиган “ШХТ плюс” формати ишончли мулоқот учун тобора муҳим майдонга айланиб бораётганини таъкидлади.

Бу галги саммит XX асрнинг энг катта фожиаси — Иккинчи жаҳон уруши тугатганининг 80 йиллигида ўтаётгани рамзий маънога эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси қарама-қаршилик қўпайиб бораётганидан хавотир билдириб, низолаарга барҳам бериш, ишончли тиклаш, тинч-тотув яшаш ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга чақирди.

Шу маънода, Хитой Раиси Си Цзиньпин илгари сурган Глобал бошқарув бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Ғазо секторидидаги вазият яна кескинлашаётгани ва гуманитар аҳвол ёмонлашаётганини қайд этиб, Фаластин — Исроил муаммосини “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида адолатли ҳал этилишига Яқин Шарқдаги можарони тўхтатиши мумкинлигини таъкидлади.

ШХТ доирасидаги шериклик ва амалий ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлигини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига тўхтади.

Энг аввало, ШХТ мамлакатларининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун жамоавий саъй-ҳаракатларни кучайтириш муҳим экани, бу, айниқса, иқлим ўзгариши, энергетика ва озиқ-овқат ресурслари тақчиллиги, миграция инқирозлари, киберхукумлар ва бошқа янги хавф-хатарлар юзга келаётган шароитда долзарб экани таъкидланди.



Президентимиз Тошкент шаҳрида ШХТ Минтақавий асилтерров тузилмаси негизида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ ҳамда Душанбе шаҳрида Наркотикларга қарши курашиш маркази ишга туширилганини олқишлади.

Хавфсизлик масалалари бўйича “ШХТ плюс” форматидаги биринчи мулоқотни келгуси йили юртимизда ўтказиш таклиф қилинди.

— Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олмасдан ва халқаро ҳамжамиятнинг афғон ҳукумати билан конструктив мулоқотини йўлга қўймасдан туриб,

минтақамизда барқарорлиқни таъминлаш мумкин эмас, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу муносабат билан ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ва уни ШХТ лойиҳаларига жалб қилиш бўйича прагматик ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТ доирасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни тубдан кенгайтиришни устувор вазифа сифатида қайд этди.

Тўсиқларни бартараф этиш ва стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо майдончаларини ривожлантириш, саноат кооперацияси ва инновацияларни рағбатлантириш учун саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Бизнес мулоқот учун самарали платформани ишга тушириш мақсадида ҳар йили “ШХТ Инвест” инвестиция форумини ўтказиш ва унинг биринчи йиллигини келгуси йилда Ўзбекистонда ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Минтақавий транспорт интеграцияси ва ўзаро боғлиқлик ҳақида сўз юритилар экан, минтақани глобал йўлаклар билан ишончли боғлашни таъминлайдиган самарали транспорт йўналишларини яратиш Марказий Осиё учун ҳаётини муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлининг қурилиши ва келажақда Трансафғон йўлағи билан боғланиши ШХТ маконида ягона транспорт тармоғини шакллантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз етакчиси илм-фан, технологиялар ва инновациялар соҳаларида шериклиқни фаол илгари суриш муҳимлигини қайд этди.

— ШХТ мамлакатлари сунъий интеллект, катта маълумотлар базалари, робототехника, биомухандислик, муқобил энергетика каби илгор йўналишларда катта сакрашни таъминлашга қодир бўлган улкан илмий-техник салоҳиятга эга, — деди Президентимиз.

Янги ғояларни илгари суриш ва илгор ечимларни ишлаб чиқиш учун ШХТнинг инновацион-технологик хаблари тармоғини яратиш амалий қадам сифатида таклиф этилди.



Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон раҳбари “ШХТ оиласи”нинг маданий ранг-баранглиги ва қадриятларини илгари суришга қўмаклашишга қаратилган Буюк ипак йўли маданий мулоқотини таъсис этиш ташаббусини илгари суриди. Иштирокчи мамлакатлар делегацияларини Самарқанда бўлиб ўтайдиган ЮНЕСКО Бош конференцияси тадбирларида фаол иштирок этишга таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида “ШХТ плюс” форматидаги ушбу саммитнинг самарали натижалари барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали шериклиқни кенгайтириш ва барча мамлакатларнинг изчил тараққиётига хизмат қилишига ишонч билдириди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши йигилиши ва “ШХТ плюс” саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, МДҲ Ижроия қўмитаси бош котиби Сергей Лебедев ва бошқа делегациялар раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказди.

Тяньцзинь шаҳридаги тадбирлар якунлангач, давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрига келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хитой янги давлатни биринчилардан бўлиб тан олди. 1992 йил 2 январда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва ушбу сана мамлакатлараро мулоқотнинг изчил ривожланиши йўлида қўйилган илк қадам бўлди.

стратегик даражада изчил ривожланишини рағбатлантиради. Бугунги кунга қадар сиёсий маслаҳатлашувларнинг 19 давраси ўтказилди, уларнинг сўнггиси 2025 йилнинг май ойида Пекинда бўлиб ўтди.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга навбатдаги расмий ташириги стратегик шериклини чуқурлаштириш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, XXI асрда ҳамкорлиқнинг янада кенг истиқболларини очиш йўлидаги муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

нинг юксак мукофотига лойиқ топилганим-
дан мамнунам. Менга қўрсатилган бор юксак
да ишонч учун Президентимиз ва халқимизга
иннатдорлик билдираман. Мазкур мукофотни
менинг меҳнатим, балки бутун республика
ишчилари жамоасининг фидокорона хизмати-
дан юксак баҳо деб биламан. Келгусида ҳам
ишхонамиздаги асраб-авайлаш, тарихий ме-
роҳаводларга етказиш йўлида бор куч-ғайра-
ни хизмат қиламан.

2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайитиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шухрат ОРИПОВ,
“Бизнесни ривожлантириш банки”
АТБ ахборот хизмати раҳбари

Маҳаллабай ишлашда янги босқич

Маҳалла азалдан халқимиз учун меҳр-мурувват, хайр-саховат маркази бўлиб келган. Кейинги 8-9 йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ва аниқ манзилли ислохотлар натижасида маҳалла бутунга келиб тадбиркорлик, бизнес гоёлар ва лойиҳалар марказига айланди.

Айнан шу даврда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этишнинг асосий воситаси сифатида маҳаллабай ишлаш тизимига асос солинди. Аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш, оила ҳўжаликларига бизнес ташкил этишига кўмаклашиш, эҳтиёжманд фуқаролар билан манзилли ишлаш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш бу тизимнинг пировард мақсадидир.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида маҳаллабай ишлаш тизимининг мақсади ва муҳим аҳамияти ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: “Юртимиз аҳолиси йилгига ўртача 700-800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-хунарли қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, қафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдиндан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳаллагача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб, йирик бизнесгача — барчасини алоҳида ёндашув асосида қўлаб-қувватлаш бўйича тизим барпо этдик.”

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш кўзда тутилган. Айтиш жоизки, камбағалликка тушиб ҳавфи мавжуд 4,5 миллион киши даромадини ошириш каби устувор мақсадларга эришишда айнан маҳаллабай ишлаш тизими муҳим ўрин тутди.

Президентимиз раислигида 2024 йил 16 декабрь кунини банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги янги имкониятлар ва режалар муҳокама қилинганди. Хусусан, охириги 6 йилда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 750 минг киши кредитини вақтида қайтариб, даромадли бизнесга эга бўлгани ва улардан 58 мингига янги корхона очгани қайд этилиб, республика тажрибали банклари зиммасига мана шундай синовдан ўтган мижозларни қўлаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиш вазифаси юклатилди.

Муваффақият хикоялари

Кармана туманидаги “Аргун” МФЙда яшовчи Фаррух Шанирапов ҳикояси:

— Сартарошликни бошлаганимга 17 йил бўлди. Лекин ўтган йилларда кўп қийинчиликка дуч келдим. Иш жойимни бир неча марта алмаштиришимга тўғри келди. Охири уйимдан кичикроқ сартарошхона очдим. Кейинги 3 йилда шу ерда ишладим. Лекин бу ер ҳам бизга торлик қилди. Сабаби шогирдларим ҳам анча тажрибали бўлиб, уларга ҳам алоҳида шароит қилиб беришим керак эди. Шогирдлар билан келишиб, аҳолига қулай жой топиб, сартарошхона очилишни ният қилдик. Бу мақсадни амалга ошириш учун бизга маҳалла банкири ёрдам берди.

Янги ишохонамизда мен ва олти шогирдим шу касб ортидан оила боқаямиз. Шогирдларимнинг аксарияти ишсиз ёшлар эди. Бугун улар қўлида хунари бор уста-сартарош.

Энди фаолиятимни кенгайтириш ҳақида ўйлаяпман. Тармоқли бизнес қилмоқчиман. Аввал Навойи шаҳри бўйлаб янги тармоқларни очмоқчиман, кейинчалик бошқа вилоятларга ҳам кириб борамиз. Мен маҳалла банкири билан ишлаб улар бизни қўлаб-қувватлаш учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканига амин бўлдим. Шунинг учун ҳам мен бу гапларни ишонч билан айтаяпман.

Маҳалла банкири барча жараёнда, лойиҳа яратиш, бизнес режа тузиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни тўплаб, кредит олиб фаолият бошлашимизга яқиндан ёрдам берди. Келгусида катта лойиҳаларимизни ҳам у билан бамаслаҳат амалга оширишимизга ишончим комил.



Конимех тумани “Бирлик” МФЙда яшовчи Балчиқ Пўлатова ҳикояси:


— Чувара бизнеси ортидан олти маҳаллодошим ишли бўлди. Уйимизга маҳалла банкири келмагунча уйда ўтириб пул топиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

“Бизнесни ривожлантириш банки” ходими хонадонимиздаги шароитларни ўрганиб, рўзгорча даромад келтирадиган ярим тайёр хамирли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаб сотиш таклифини берди. Бу нафақат мен, балки кундалик юмушлар билан банд бўлган ҳар бир уй бекаси учун жуда қулай экан. Маҳалла банкири ва ёрдамчи агентнинг ўзи елиб-югуриб кредит олишимда ёрдам берди.

Кредит маблағи ҳисобидан музлаткич ва совиткич олдим. Яқинда патири учун махсус печ сотиб олдик. Бу жиҳозларни ҳам маҳалла банкири арзон ва қафолатли жойдан топиб берди. Қолаверса, у маҳаллий дўкандорлар билан гаплашиб маҳсулотимизга харидорлар ҳам топиб берапти. Кунда-кунора ишимиздан хабар олиб туради.

Уйда ишсиз, нима қиларимни билмай ўтирган кунларимни эслагим келмайди. Уша вақтлар қандай эдим, ҳозир қандай бўлдим?!

Маҳалла банкири тизимининг ҳаётий самарасини ўзимда ҳис қилдим. Турмушимда жуда катта ўзгариш юз берди. Бу ишларнинг бошида турганларга чексиз раҳмат айтаман.



Ислохотлар самараси

“МАҲАЛЛА БАНКИРИ” — МАҲАЛЛАДАГИ БУНЁДКОР КУЧ



Бундан ташқари, тижорат банкларининг ишлаш услублари эскича — мижозга йўналмаган эди. Банк ходимлари асосан ўз офисларида мижозлар билан ишларди. Аксарият ҳолларда улар фақат мурожаат қилган тадбиркорларнинг лойиҳаларини кўриб чиқар ва молиялаштирадди. Чунки тижорат банкларининг ташкилий тузилмаларида уйма-уй юриб, хонадонбай ишлаб, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларни аниқлаб, топиб, банкнинг янги мижозига айлантирадиган мутахассислар аввал бўлмаган.

Бирор-бир гоёни бизнесга айлантириш учун фуқаро, албатта, иссиқда ёки совуқда йўл босиб, туман марказидаги банк идорасига бориши, тегишли мутахассисга мурожаат қилиши лозим эди. Уша вақтларда бунга ҳамма ҳам ҳафсала қилмасди. Банкка борган фуқаронинг масаласи доим ҳам тез битмасди — сансалорлик бор эди. Мазкур мурожаат кунларини, баъзида ойларни талаб этарди. Аҳолига кўпчиноқ бу малол келар, норози бўларди.

Президентимиз ташаббуси билан вужудга келган маҳалла банкларини айнан мана шу бўшлиқларни тўлдирди. Бу билан, биринчидан, лойиҳа тижорат банкларини халқча янада яқинлаштирди. Бошқача айтганда, банклар ўз офисидан ташқарига чиқди.

Иккинчидан, аҳолининг тижорат банкларига муносабати кескин ўзгарди. Фуқароларда банкларга ишонч ошди, аҳоли ва банклар ўртасидаги жарлик йўқолди.



Учинчидан, маҳаллада тижорат банклари учун янги мижозлар оқими вужудга келди. Банклар орасида ҳар бир мижоз учун кураш, соғлом рақобат муҳити пайдо бўлди.

Тўртинчидан, маҳалла банкларини воситасида маҳаллалардаги тадбиркорлик салоҳияти, мавжуд имкониятлар кенгроқ юзга чиқа бошлади. Аввал бизнес бошлаш ва кредит олишга иккиланиб юрган фуқаролар ҳаракатга келиб, янги тадбиркорлар авлоди айланоқда.

Бешинчидан, ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги ошди. Маҳаллаларда янги иш ўринлари, қўшимча даромад манбалари ва ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлмоқда.

Ўтган қисқа муддатда маҳалла банкларини аҳолининг энг яқин маслакдоши ва молиявий кўмакчисига айланиб улгурди. Маҳалла банкларини том маънода “маҳалладаги бунёдкор куч” дейиш мумкин. Чунки унинг асосий мақсади ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш ишларини бажариш ҳамда шу орқали ишсизлик ва камбағаллик даражасини пасайитириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдир.

Маҳалла банкири:

► аҳолига бизнесни йўлга қўйишни, маҳсулот ва хизматларини сотишни, кредит олиш ва қайтаришга доир молиявий тартибларни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади;

► аҳоли орасидан ўзига бириктирилган маҳаллаларда хонадонларни яхши билдиган ёрдамчи-агентларни ёллаб, фуқароларни банк хизматларига қизиқтириш ва лойиҳа таклифларини топиш ишларини ташкил қилади;

► тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларини амалга оширишда иштиблармонлар билан бирга бизнес режа ишлаб чиқиш ва молиялаштиришда амалий ёрдам беради;

► “ўзини ўзи банд қилган шахс — яқка тартибдаги тадбиркор — кичик бизнес — ўрта бизнес — йирик бизнес” занжирининг ҳар бир босқичида молиявий хизмат турларини таклиф этиб боради;

► маҳалланинг барча статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиб, янги ва мавжуд тадбиркорларнинг салоҳиятини ошириш, маҳаллада тадбиркорликка қизиқиши юқори аҳолига бизнес ташаббусларини татбиқ этишда маслаҳат ва молиявий кўмак беради;

Самарқанд шаҳридаги “Янги ҳаёт” МФЙда яшовчи Амиржон Раҳмонов ҳикояси:

— Новойил билан оилавий шугўланиб келамиз. Оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун рўзгор тебратишда отамга ёрдам бериб келардим. Кўтилмаганда отам хасталикка чалинди. Бирдан-бир даромад манбаимиз бўлган ушбу хунар ортидан тўпланган пулимизни отамни даволатишга сарфладик. Оилавий бизнесимиз тўхтаб қолди, тандир ҳам эскирди.

Отамнинг ёнида юриб, унча-мунча нон ёпиш сирларини ўрганганман. Лекин менда ун ва бошқа керакли маҳсулотларни сотиб олишга зарур маблағ йўқ эди. Шундай ўй-хаёлда юрган кезларим уйимизга келган маҳалла банкири билан суҳбатлашиб, отамнинг касбини давом эттириш истаги пайдо бўлди. Маҳалла банкири кўмағи билан 50 миллион сўм кредит олиб, нон ва патири маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тикладим.

Кредит нақд пулда берилгани менга жуда қўлай келди. Чунки новойил кесаларининг ҳаммаси ҳам дўкунда ёки фабрикада ишлаб чиқарилмайдди. Уларни усталарга буюртма бериб усунатиш керак.

Нақд олишдан кредит ҳисобидан аввал янги тандир қурдирдик. Қолган маблағга бозордан керакли миждорда ун сотиб олган, яна новойилки бошлаб юбордик. Бунда менга онам ва турмуш ўртоғим ёрдам берди. Ҳар кунни уч-тўрт маҳал нон ёпиб бозорда сотиб келаман. Шу тариқа қўлимга пул, рўзгоримизга барака кирди.

Когон туманининг “Наврўз” МФЙда яшовчи Мадина Амонова ҳикояси:

— Ота-боболарим сартарош ўтган. Бобом 40 йил, отам 15-20 йил ушбу касб билан шугўлланган. Мен ҳам шу касбининг бошини тутганимда ич-ичимда бир кун келиб, “Гўзаллик салони очаман” деган орузм бор эди. Ҳаётда турли қийинчиликларга дуч келдим, лекин мақсадимдан қайтмадим. Мана, бугун ўша орузм ушладди.

Шу пайтгача бировларнинг қўлида оддий ишчи эдим, маҳалла банкири кўмағи билан энди ўзим ҳам иш берувчига айландим. Унинг маслаҳати билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим ва имтиёзли шартлар асосида 60 миллион сўм кредит олдим.

Ушбу маблағга “Гўзаллик салони” очиб, ўзимдан ташқари яна уч маҳаллодошимни иш билан таъминладим. Ҳозир маҳалламиз аёлларига гўзаллик ва табассум улашяпмиз. Мижозларимиз



фаровонлигини таъминлаш ва бошқалар учун иш ўрни яратаямиз. Бунда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган маҳалла банкларини энг яқин кўмағи!

кенгайтириш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилган эди. Корхонага “Маҳаллада бизнес” кредит маҳсулоти орқали 64 миллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада тадбиркор 2 та янги иш ўрни очди.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида банкимизга бириктирилган маҳаллаларда жами 14 минг 432 та микролоиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 17 минг 231 та микролоиҳа ажратилди. Бу сазй-ҳаракатлар ҳисобига режадаги 28 минг 864 нафар ўрнига амалда 35 минг 369 киши ишга жойлашди.

“Бизнесни ривожлантириш банки” йилнинг ўтган даврида аҳолини молиявий қўлаб-қувватлаш доирасида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2 триллион 337 миллиард сўмлик, шунингдек, маҳалла лойиҳаси дастури доирасида 669 миллиард 200 миллион сўмлик кредит ажратди.

Бу рақамлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган янги иқтисодий механизмнинг амалий натижалари, ҳолос. Маҳалла банкларини лойиҳаси аҳоли учун ҳам, тижорат банклари учун ҳам бирдек манфаатли бўлмоқда.

Халқимизга илҳом бераётган гоё

Тадбиркорлик халқимизнинг қонида бор. Бугун мана шу ҳақиқат юртимизнинг ҳар бир маҳалласида бўй кўрсатмоқда. Маҳаллаларимиз тобора обод бўлиб, янги тадбиркорлар ва янги лойиҳаларга йўл очилмоқда.

Маҳалла банкларини эса лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб маҳсулотларни сотиш, экспорт қилишгача бўлган барча жараёнда бош-қош, ташаббускорларнинг энг яқин кўмакчиси сифатида жонбозлик кўрсатмоқда. Улар маҳаллалардаги яширин салоҳиятини юзга чиқариш орқали қўшимча иш ўринлари очишга ва мавжуд қувватни кенгайтиришга камарбаста бўлмоқда. Бу қанчадан-қанча янги лойиҳалар, харидоргир маҳсулотлар, иш ўринлари, қўшимча даромад ва экспорт ҳажми демакдир.

“Ҳар қандай ислохот қуруқ рақамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг қунакли ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзгорига ўз аксини топиши зарур”, деган эди Президентимиз. Маҳалла тараққиёти йўлидаги иқтисодий ислохотлар бугун халқимизнинг ҳаёт тарзи, қунакли турмушида намоён бўла бошлади. Маҳаллаларда “Берсанг — ейман, бермасанг — ўламан” қабилидаги боқимандалик қайбратида ва “Давлат мени боксин” деган ўй-фикрда юрадиган фуқаролар тобора камайиб бормоқда. Одамларда ташаббус билан яшаш, ўзини банд ва даромадли қилишга интилиш ҳисси кучайиб бормоқда.

Энг муҳими, фуқаролар юртимиздаги ҳар қандай ислохот “Ишон қадри учун” экани, улар халқимизнинг эртага эмас, бугун яхши яшаш учун амалга оширилаётганини тобора теранроқ тушуноқда. Бу ҳақиқатни англаган инсон борки, ўз меҳнати билан оиласи, маҳалласи ва ватани равнақига ҳисса қўйишга интилоқда.

Президентимиз Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик тантаналарида ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайганини, бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳолиимиз меҳнат қилиб, даромад топаётганини таъкидлади:

— Биз йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марра олган эдик. Саккиз ойдаёқ 5 миллионлик режани удаладик.

Энг муҳими, ислохотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқароимиз юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди, — деди давлатимиз раҳбари.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш шунчаки мақсад ёки баландларвоз гоё эмас, балки Президентимиз томонидан узоқни қўлаб, пухта ишлаб чиқилган сиёсатнинг маҳсулидир. Бу сиёсат ўзининг қучли гоёвий асосларига, аниқ ижтимоий-иқтисодий дастакларига эга ва Конституциямизда ҳуқуқий мустаҳкамланган “ижтимоий давлат” тамойилларига тўла мос келади.

Давлатимиз раҳбари иш бошлаган илк даврда асос солинган, йилдан йилга такомиллашиб, ҳаётимизда чуқур қарор топаётган ва халқимизни том маънода уйғотаётган маҳаллабай ишлаш тизими бугун иқтисодий ислохот даражасидан юқори қўтарилиб, жамиятимизга бунёдкор руҳ ва азалдан тадбиркор халқимизга илҳом бағишлаётган умуммиллий ҳаракатга айланди.





“Матбуотда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонини ўқиб, рўйхатда камина ҳам борлиги туфайли кўзларимда ёш ҳалқаланди.

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗНИ ЁШЛАР КАМОЛОТИ, ИЛМ-МАЪРИФАТИГА САФАРБАР ЭТАМИЗ

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори, “Имом Бухорий” ордени соҳиби

Ёш улғайган сари кишининг тафаккур тарзи ҳам, дунёкараши ҳам кенгайиб бораверар экан. Анча йиллар олдин бирор хушхабарни эшитсам, уни шундайлигича қабул қилардим. Энди эса ҳеч бир янгилик, воқеа-ходиса оддий эмас, балки улар замирида хикматлар борлигини, Аллох таолонинг инояти, азиз инсонларнинг шарофати эканини англаб етаямман.



Матбуотда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонини ўқиб, рўйхатда камина ҳам борлиги туфайли кўзларимда ёш ҳалқаланди.

Бу қувонч ёшлари икки буюк сиймо туфайли пайдо бўлди. Биринчиси, буюк муҳаддис Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ бўлса, иккинчиси, у улуг зотининг бой илмий меросини келажак авлодга безавол етказишга катта ҳисса қўшаётган, аллома мангу қўним топган масканни обод қилаётган давлатимиз раҳбаридир.

Эътибор берган бўлсангиз, иккала орден ҳам буюк муҳаддис номига таъсис этилган: “Олий Даражали Имом Бухорий” ҳамда “Имом Бухорий” ордени. Бундай орденнинг таъсис этилиши муҳаддислар султонига бўлган эътиромнинг олий намунасидир. Шу билан бирга, авлодларимиздан яна Имом Бухорийлар чиқиши учун шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган олимлар, уламоларга бериладиган мукофотдир.

Ўзбекистондан яна Имом Бухорийлар чиқиши учун нима қилиш керак? Аввало, ёш авлодни билимли, маърифатли, одоб-ахлоқли қилиб вояга етказиш зарур. Бунинг учун буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маънавий мероси биз учун муҳим дастуруламал бўлиши керак.

“Муҳаддислар султони”, “Дунё имоми”, “Раҷулун Набий” каби унвонлар билан бутун ислом оламида катта шухрат қозонган буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғирижа Жуафий Бухорийнинг шох асари бўлиши “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” Куръони каримдан кейинги энг ишончли манба ҳисобланади.

Мисрлик олимлар “Саҳиҳи Бухорий”га нисбатан “Куръони каримдан кейинги иккинчи асосий манба” деган иборани эшитсалар, ғазабланидилар. Бунинг

боиси сўралганда: “Куръони карим, шубҳасиз, биринчи манба ва илоҳий қалом. Лекин “Саҳиҳи Бухорий” башарият томонидан битилган энг ишончли асар. Шу боис, уни “Биринчидан кейинги биринчи манба” дейиш мақсадга мувофиқдир”, дейдилар.

“Саҳиҳи Бухорий” асари, хусусан, унинг 78-китоби, яъни “Одоб китоби” ахборот хуружлари кучайган, ҳар қадамда ёт ақидалар, ғоялар, мафқура-ларни медиа макон орқали ёшларимиз онгу шуурига сингдиришга бўлган ури-нишлар ҳар қачонгидан кўра кучайган бугунги даврда яна ҳам долзарб аҳамият касб этади.

“Биз бой маданиятимиз, шонли тарихимиз, қадим қадриятларимизни, аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросини қандай асраб қолишимиз мумкин?” деган савол ҳар бир ота-онани, мураббий-ни қийнаши табиий. Бу саволга уламо-лар: “Ёшларнинг хулқ-атвори, ахлоқини шакллантириш орқалигина уларни сақлаб қолиш мумкин” дейишган.

“Саҳиҳи Бухорий”да келган ҳадис-лар 7563 та бўлиб, биргина “Адаб” китобида одоб-ахлоққа оид 254 та ҳадис жамланган. Шу билан бирга, аллома 1200 дан ортиқ ҳадисни ўзида жамлаган “Ал-адаб ал-муфрад” китобини ҳам таълиф этган.

Бир ҳадисда: “Мезонга қўйиладиган энг оғир нарса ғўзал хулқдир”, дейилган.

Бошқа бир ҳадисда: “Ҳар бирингиз мутасаддисиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар учундан мутасаддис бўлиши керак. Ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз”, деб марҳамат қилинган (“Саҳиҳи Бухорий”, 853-ҳадис).

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ахборот хуружлари кучайган даврда ёшларимизни турли ёт ғоялардан асрашда буюк аждодларимизнинг бебаҳо дурдона асарлари бизга яқин қўмақчидир.

Президентимиз камтарона хизматларини юксак эътироф этиб, “Имом Бухорий” ордени билан тақдирлаганлари бизга катта масъулият юклайди. Бундан буён ҳам ана шу юксак мукофотга муносиб бўлиб, ёшлар таълим-тарбиясига, мўмин-мусулмонларнинг маърифати ва маънавиятини янада юксалтиришга бор куч-ғайратимиз сафарбар этаман.



Миллий давлатчилигимиз тарихиган

Сиёсий жараёнлар

Ўзбек халқининг давлатчилик тарихи, хусусан, салжуқийлар даври турли сиёсий воқеа ва ҳодисаларга бой. Бироқ бу давр тарихи жуда кам ўрганилган. Аслида, айнан шу сулола вақиларининг фаолияти билан Марказий ва Ғарбий Осиёда қатор тарихий ва этномаданий ҳодисалар, ўзгаришлар юзага келган.

Салжуқийлар бугунги Ўзбекистон, Турк-манистон, Озарбайжон, Эрон, Ироқ, Туркия ҳудудларидаги тарихий жараёнларда фаол қатнашиб, ўз давлати, сиёсий ва ҳарбий уюшмаларини ташкил қилган. Бу давлатлар XIII асрда мўғуллар боқсини туфайли инқирозга учиради ҳамда янги давлат ва тузилмалар таркибига сингиб кетди. Салжуқийларнинг ворислари кейинчалик Ғарбий Осиёда ўз даврида муҳим ўрин эгаллаган Ўсмонли турк давлатини тузишда қатнашди.

Сулола асосчиси Салжуқбей ўғулларнинг қиниқ қабиласидан бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, Салжуқбейнинг отаси Дукак (Дўқоқ ёки Тўқоқ)бей эди. Дукак ўғуллар орасида “Темир ёй” лақаби билан танилган. Бу ном унинг катта макъгага эга эканини билдирди. Зеро, қадимий туркий аъёнларда “камон” ҳокимият рамзи бўлган.

Салжуқийлар давлатига Салжуқнинг на-бираси Султон Тўғрулбей асос солган. Салжуқийлар ғазнавийларга қарши кўлаб муваффақиятли жангларидан сўнг Нишопурни эгаллаб, 1038 йилда ўз йўлбошчиси Тўғрулбейни султон деб эълон қилади. Данданакон жангидан ғалабадан сўнг у Хуросон ҳукмдори бўлади. Шу таразда тарихда 1040 йили Буюк салжуқийлар номи билан машҳур бўлган турк давлати барпо этилади.

Аста-секин салжуқийлар Хуросон, Хоразм, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқни бўйсундиради. Бағдодда Тўғрулбей номига хутба ўқилади. 1031-1075 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар халифаси Ал-Қоим ҳокимиятни Тўғрулбейга топшириб, уни султон ҳамда “Шарқ ва Ғарб подшоҳи” деб тан олишга мажбур бўлган ва қизини унга хотинликка берган. Тўғрулбей Райни, унинг укаси Чагрибей Довуд (990-1060 йиллар) Марвни ўзига пойтахт қилади. 1050 йилда Тўғрулбей пойтахтини Райдан Исфахонга кўчирган.

Алп Арслон ва Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида салжуқийлар Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустақкам ўрнашган эди. Улар 1071 йили Византия императори Роман IV Диогеннинг 200 минг кишилиқ қўшинини енгиб, бутун Кичик Осиёни (1071-1081 йиллар), кейинчалик Сурия ва Фаластинни забт этган. Арманистон, Грузия, Ширвонни ҳам бўйсундирган. Бу даврда Балх, Термиз (1044 йил), Бухоро, Самарқанд (1089 йил), кейинчалик Фарғона водийси салжуқийлар қўл остида бирлашган.

Ҳатто Шарқий Туркистондаги қорахонийлар ҳам уларнинг устунигидан тан олган. Алп Арслон пойтахтни Исфахондан Марвга кўчирган. Салжуқийлар қўшини Арабистон ярим-ороллидаги Яман ва Бахрайн ерларини ҳам тасаруфига киритган. Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида салжуқийлар давлати ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Бу вақтда пойтахт яна Исфахонга кўчирилган. XI аср охири-ларида салжуқийлар давлати Шарқий Туркистондан Ўрта ер ва Мармар денгизларигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган эди.

XI аср охиридан салжуқийлар давлати парчалана бошлади. Чунки 1096-1099 йиллар-



даги биринчи солиб юриши сабаб салжуқийлар Грузия, Ширвон ҳамда Кичик Осиёнинг соҳил бўйи ҳудудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралган. Салжуқийлар давлатидан бир неча мустақил султонлик — Кирмон султонлиги (1041-1187 йиллар), Шом (Сурия) султонлиги (1074-1117 йиллар), Қўния султонлиги ва бошқалар ажралиб чиққан.

1092 йилда Маликшоҳ вафотидан сўнг тахт учун курашлар авж олиши оқибатида Буюк салжуқийлар давлати шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Ғарбий қисмга кирган Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118-1194 йиллар) номи билан 1118-1131 йилларда ҳукмронлик қилган султон Гўёсиддин Муҳаммаднинг ўғли султон Маҳмуд бошқара бошлаган. У Ҳамадонни ўзига пойтахт қилган. Шарқий қисм, асосан, Хуросон, Сейстон, Хоразм ва Мовароуннаҳрдан иборат бўлиб, унда султон Маликшоҳнинг кенжа ўғли султон Санжар ҳукмронлик қилган ва пойтахти Марв бўлган. Бироқ Шарқдан қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши, 1141 йил сентябрда Самарқанд яқинида бўлган машҳур Қатвон жангида улар қарлуқлар билан бирга

“Салжуқийлар давлатида илм-фан ва маданият ривожланган. Айниқса, Эрон, Ироқ ва Мовароуннаҳрда маданий юксалиш юқори бўлган. Нишопур, Исфахон, Басра, Хирот, Марв, Бухоро, Самарқандда мадрасалар бунёд этилган. Хусусан, буюк вазир Низомулмулк томонидан 1067 йилда Бағдодда қурдирилган Низомия мадрасаси бутун жаҳонга машҳур бўлган.

салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинини тор-мор қилиши сабаб Санжарнинг куч-қудрати заифлаша бошлади. У Мовароуннаҳр, кейинчалик Хуросоннинг асосий қисмидан ажралди. Ануштегинийлардан Кутбиддин Муҳаммад, хусусан, Отсиз даврида Хоразм ҳам Салжуқийлар давлатидан ажралиб чиқиб, мустақиллигини тиклаган. Отсиз ҳатто Салжуқийлар пойтахти Марвни эгаллаб, 1141-1142 йилларда Нишопурни қамал қилган. 1157 йили Санжар вафот этгандан сўнг салжуқийларнинг Хуросондаги ҳукмронлиги тугаган. Хуросон ўзлар (ўғуллар) тасаруфига ўтган. 1117 йилда салжуқийларнинг Шом (Сурия) султонлиги, 1187 йилда Кирмон султонлиги ҳам тугатилган. Хоразмшоҳлар XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғарбий салжуқийларнинг Ироқ султонлигига қучли зарбалар берган. Хоразмшоҳ Тақаш Ироқ султонлигини ҳам тор-мор қилиб, 1194 йили ўз давлатига қўшиб олган. Фақат Кичик Осиёдаги Қўния (Онадўли ёхуд Рум) султонлиги XIV аср бошларигача ҳукм сурган.

алоқаларни мувофиқлаштириб турган, расмий қабулларни уюштирган. Ҳорис амири (амири хорис) султон чиқарган жазо ҳукмларини ижро этиш билан шуғулланган. Саройдаги қурул-аслаҳа, айниқса, султонга тааллуқли нарсаларни сақлаш сийохдорнинг зиммасида бўлган. Даргоҳ ишларини бошқарувчи хос вақил, султон байроғини олиб юрвчи аламдор дейилган. Султон ва даргоҳ хавфсизлигини таъминлаш жондорга юклатилган. Шунингдек, даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чашнегир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мирохур, тоштор каби мансабдорларнинг ҳам ўз ўрни бўлган.

Давлатнинг асосий маъмурий қорғоғчи бўлган девонлар икки тоифага — сулолавий ва расмий девонларга бўлинган. Сулолавий девон ҳукмдор хонадонини фаолиятига боғлиқ вазибалар билан шуғулланган. Расмий девонлар қўйидагича: кичик девонлар (девоани сағир), девони тугро ва ишхо, девони истифҳо (ёки девони зимам ва истифҳо), девони ишроф ва мамолик ҳамда девони арздан иборат бўлган.



“Салжуқийлар давлатининг вужудга келиши, ҳудудининг кенгайиб бориши ва юксалишида ушбу давлатда йўлга қўйилган ҳарб иши ва қўшин тузилмаси катта аҳамият касб этган. Салжуқийлар давлати ҳарбий тизимида Марказий Осиё туркий ҳарбий аъёнлари катта ўрин тутган.

Давлат бошқарув тизими

Салжуқийлар давлати тепасида олий ҳукмдор макониди сулола хонадонини вақили турган. У султон (султон ул-аъзам) унвонига эга бўлиб, номига хутба ўқилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтган. Мулк, ер-сув тақсимида, муҳим давлат ва бошқарув лавозимларига тайинлаш, давлат крим-чикимидан хабардор бўлиш, қўл остидаги амалдорлар ва хизматчилар фаолиятини назорат қилиб туриш унинг ваколатларига кирган.

Давлатда султондан кейинги олий мансабдор шахс бош вазир бўлган. У барча девон (вазирликлар) фаолиятига раҳбарлик қилган. Унинг иш жойи улуг девон (девоани кабир ёки девони олий) бўлган. Бош вазирнинг ваколати жуда кенг бўлиб, молия, солиқ, давлатга тегишли ишлаб чиқариш муассасалари ишини назорат қилиш, хорижий давлатлар намоёндалари билан мулоқот ва музокаралар олиб бориш, хизматчиларни ишга олиш ёки ишдан бўшатиш, умуман олганда, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ барча масалани султон номидан ҳал қилиш ваколатига эга бўлган. Фақат ер-мулк тақсимлаш ваколати султоннинг ихтиёрида қолган.

Салжуқийлар бошқарув тизими ҳам сомонийлар, қорахонийлар ва ғазнавийлар бошқарув тизими каби иккига — даргоҳ ва девонга бўлинган. Даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазибалар қўйидагилардан иборат бўлган. Улуг ҳожиб даргоҳдаги султонга энг яқин киши бўлиб, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги

Султон саройида турли даражадаги амал ва мансаблар қарови (вазирлар), амир, амир ул-умаро, малик, малик ул-умаро, ҳожиб, ҳожиб хос, амири ҳожиб, вақилдор, мунашш, тоштор, сийохсолор, муставфий, муҳрдор, жондор, отабек, рикобдор, ҳужжатнавис, амири алам (амири дод), турли ходим ва надиملар, яна ўнлаб бошқа амаллар бўлган манбаларда акс этган.

Маҳаллий бошқарув тизимида вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлган. Волийлар султон томонидан тайинланиб, бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳага раҳбарлик қилган.

Туман, шаҳар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларникига ўхшаган, фақат ҳарбий фаолият бундан мустасно бўлган.

Салжуқийлар давлатининг вужудга келиши, ҳудудининг кенгайиб бориши ва юксалишида ушбу давлатда йўлга қўйилган ҳарб иши ва қўшин тузилмаси катта аҳамият касб этган. Салжуқийлар давлати ҳарбий тизимида Марказий Осиё туркий ҳарбий аъёнлари катта ўрин тутган.

Иқтисодий ҳаёт

Кенг ҳудудда сиёсий барқарорликка эришиш, янги каналлар қуриш, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва савдо ривожланиши туфайли иқтисодий ҳаёт юксак даражага кўтарилди. Мовароуннаҳр, Хоразм, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Сурия ва Онадўлида савдо қарвонлари хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган. Шаҳарларда ишлаб чиқарилган товарлар савдо

Янги таҳрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

йўллари орқали кўлаб жойларда бемалол со-тилан. Қарвонларнинг хавфсизлигини одатда ҳарбий соқчилар таъминлаган. Салжуқийларнинг савдо йўлларида қаратган эътибори, ай-ниқса, Онадўлида анча кучайган ва халқаро савдо ривожига ёрдам берган.

Буюк салжуқийлардан Тўғрулбей, Алп Ар-слон, Маликшоҳ, Санжар даврида иқтисодий ва маданий ҳаётда катта юксалиш юз берган. Хунарманчилик тараққий этган, тўқимачи-лик, қулолчилик, заргарлик, ойнасозлик, те-мирчилик, кўнчилик ва ғилам тўқиш ривож-ланган. Буюк ипак йўли улкан салтанатнинг марказий шаҳарлари орқали ўтган. Шарқий Европа, Византия, Ҳиндистон, Хитой билан савдо алоқалари гуркираб ривожланган.

Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-ни жонлантириш учун Хуросон ва Ироқ савдо-гарларини боқдан озод қилган. Касбий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари келти-рилган. Ички савдо ҳам ривожланган. Мамла-катда соф олтиндан зарб этилган динор (қизил динор) ишлатилган. Бундан ташқари, маҳаллий динор (рухний) ва мис дирҳамлар ҳам бўлган.

Салжуқийлар даврида хомашёси қорва-чилик ва деҳқончиликка мос ва унга таянган саноат барпо этилган эди. Айниқса, Туркистон шаҳарларининг жузли, пахтали, ипакли мато-лари, Бухоро жойнамози, Хуросон камарла-ри жуда машҳур эди. Самарқанднинг қумуш тақинчоқлари, Тошкентнинг эгар-жабдуқлари атрофдаги ўлкаларда жуда қадрланган. Хитой чинисини ислом дунёсига тарқатганлар ҳам салжуқийлардир.

Бундан ташқари, туркларнинг муваффақи-ятли яна бир саноат тури билан қазиб олиш соҳаси эди. Қўмирни қазиб олиб, ёқилги сифа-тида фойдаланганлар ҳам салжуқийлар. Турк-лар қурул-яроғ борасида ҳам шухрат қозонган. Айниқса, Фарғона водийси (Ахсикент)да қу-рул-яроғ ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Ишлаб чиқарилган қуруллар Византия чега-раларигача экспорт қилинган.

Фан ва маданият

Салжуқийлар давлатида илм-фан ва мада-ният ривожланган. Айниқса, Эрон, Ироқ ва Мо-вароуннаҳрда маданий юксалиш юқори бўлган. Нишопур, Исфахон, Басра, Ҳирот, Марв, Бу-хоро, Самарқандда мадрасалар бунёд этилган. Хусусан, буюк вазир Низомулмулк томонидан 1067 йилда Бағдодда қурдирилган Низомия мадрасаси бутун жаҳонга машҳур бўлган. Низомулмулк давлатни бошқариш асослари ҳақида “Сийёсатнома” асарини битган.

Салжуқийлар давлатида Баҳовуддин Абу-бакр Марвазий, Шарофиддин Тусий, Абулҳа-сан Али Марвазий, Абулхотам Музаффар Исфаҳорий, Заҳриддин Ғазнавий риёзиёт ва илми нуҳумда, Исмоил Журжоний, Фаҳрид-дин Розий тиббиёт ва кимёда, Заҳриддин Нишопурий, Саҳриддин Хусайний, Ануширвон Кошоний, Абу Бакр Равондӣ тарихда, адиб Собир Термизий, Носир Хусрав, Анварий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий ада-биётда кўлаб бебаҳо асарлар битган.

Бу даврда Нишопур, Марв, Исфахон, Рай, Ҳамадон каби пойтахт шаҳарларда, шунинг-дек, Бухоро, Самарқанд, Термизда кўлаб меъ-морий обидалар қурилган.

Тарихчи ва сайёҳ Ёқут Ҳамавий Марвда бўлганида бу ерда 10 та ийрик кутубхона бор-лигини кўрган ва улардан фойдаланган. Тер-миз яқинидаги Пайғамбар оролида Зулқифл мажмуаси (XI-XII асрлар), Султон Саодат меъ-морий мажмуи (XI-XVIII асрлар), Жарқўрғон минораси (1109 йил), Марвда Султон Санжар макбараси (XII аср) ва бошқа меъморий оби-далар қурилган.

Салжуқийлар 250 йиллик тарихи давомида ривожланган давлат ва жаҳият тизимига эга эди. Ўз даврида Шарқ ва Ғарбда Буюк сал-жуқийлар давлатидан сўйиб давлат бўлмаган. Бу устуниликни улар ҳудуд билан муассаса-лар ва иқтисодий қучдан олган. Бир томондан Шарқий Рим (Византия) империяси сиёсий кучини бартараф этган салжуқийлар, аввало, тижорат ва мусофирлар хавфсизлигини таъ-минлаган қарвонсаройлари, қолаверса, илгор билим ва тажрибага эга шишфохоналари билан даврнинг энг ривожланган мамлакатиди эди. Бу сулола хазинага келиб тушган пул қўлғили ва уруш майдонларидаги ғалабалари билан мактанмасди. Ўша даврда салжуқийлар деган-да билим, маданият, санъат, адолат, хавфсиз-лик ва тиббий хизмат ёдга тушарди.

Салжуқийлар давлатида Низомулмулк саъй-ҳаракати билан маъмурий аппарат, ҳар-бийлик, солиқларни ташкил этиш, таълим каби соҳалар фаолиятини тартибга солидиган қоида ва намуналар тизими юзага келган. Улар кейинчалик хоразмшоҳлар ва минтақадаги бошқа давлатларнинг маъмурий бошқарув тизими шаклланиши ва эволюциясига улкан таъсир кўрсатган.

Зиқриллохон ҚОДИРОВ, Тошкент давлат шарқшунослик университетига катта ўқитувчиси

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Таҳлил

Юксак миллий руҳ

МУТОЛААДАН ҚЎР ОЛГАЙ

КИТОБХОНЛИК ВА КИТОБДОРЛИК ҲАРАКАТЛАРИМИЗГА БИР НАЗАР

Истиқлол шунчаки сиёсий ёки иқтисодий озодлик эмас. У, аввало, маънавият мустақиллиги, фикр эркинлиги демак. Бугун ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўртинчи баҳорини қарши олаётган эканмиз, бу ҳақиқатнинг ёрқин исботини ҳар қадамда кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Биргина оддий, лекин теран маънога эга манзара: Тошкент метрополитени вагонларида, автобуслардаги йўловчилар орасида, хиббонлардаги ўриндиқларда китобга кўз тикиб ўтирган ёшларни тобора кўпроқ учратаётганимиз қалбга илиқлик бағишлайди. Бу уйғонаётган, ўзлигига, илмга, маърифатга юз бұраётган янги авлоднинг шаклланаётган кифёси. Булар шунчаки лавҳалар эмас, балки бутун бир миллатнинг маънавий уйғониш жараёни, янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлаётган Учинчи Ренессанс ғояларининг кўзгудаги акси ўлароқ намоён бўлади.



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кўзларида билимга ташналик ва интилиш уфуриб турган айти ёшлар — мустақилликнинг энг соф медаллари. Бу мустақиллик берган энг бебаҳо неъматлардан бири — мутулаа эркинлигининг амалдаги ифодаси. Қўлидаги китоб орқали киши нафақат янги билим олади, балки ўтмишдаги аждодлари, бошқа мамлакатлардаги тенгдошлари, адабий қаҳрамонлар тилмолида бутун инсоният билан суҳбат қўради. Китоб мутулаа эмпатия туйғусини, ўзгаларнинг дардини ҳис қилиш, дунёга кенгроқ ва теранроқ назар ташлаш қобилиятини тарбияловчи энг самарали восита, десак адашмаган бўламиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимиз учун нафақат янги имкониятлар эшиги очилди, балки йиллар давомида яшириб келинган маънавий хазиналаримиз ўз эгаларига қайтарилди. Мустабид тузум даврида миллат хотирасини ўчиришга, уни ўз илдизларидан узиб қўйишга қаратилган ҳаракатлар тўғрисида бутун бир авлод ўз тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бебаҳра қолган эди. Мафқуравий кишилар нафақат адабиётни, балки тарихни, ғалсафани, ҳақто тилишуносликни ҳам ўз измига солишга уринганди. Темурийлар даври “босқинчилик” деб баҳоланар, буюк аждодларимизнинг илмий мероси эса ҳар хил тамгалар билан омма эътиборидан четда сақланарди.

Айнан мустақиллик шарофати билан биз тарихимизга, ўзлгимизга теранроқ назар ташлаш имконига эга бўлдик. Жаҳид боболаримиз Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидов, Чўлпон кабиларнинг асарлари, совет мафқураси томонидан “халқ душмани” дея тамгаланган улуғларимизнинг илмий ва адабий мероси халққа қайтди.

Ёши катталардан эшитганим — собиқ совет иттифоқида “самиздат”, яъни яширин адабиётлар тарқатиш кенг оммалашган бўлса, мамлакатимизда бу ҳодисанинг ўзига хос кўриниши мавжуд эди. Бу ерда “самиздат” нафақат сиёсий рессолалар, балки боболардан қолган Навойнинг девонлари, тасаввуф шеърятини намуналари яширинча кўчирилиб, авлоддан авлодга ўтказиб келинган қўлёзмалар эди. Халқимиз маънавий хазинасини ана шундай асраб-авайлаб, истиқлол кунларига етказди. Мустақиллик эса ана шу яширин хазинани сандиқлардан олиб, кенг омма эътиборига ҳавола этиш имконини туҳфа қилди.



Шу билан бирга, ўша мураккаб даврда оила ва мактабнинг йўналитурувчи роли бир қадар сусайганини тан олиш керак. Катта авлод вақиллари мумтоз адабиётни қадрласа-да, ёшларга бозор муносабатлари шаронтида қайси китобни танлаш кераклиги борасида етарлича йўл-йўриқ кўрсата олди, дейишга иккиланамиз. Натижада ёш китобхон оммавий маданиятнинг ранг-баранг, бироқ саёз тақлифлари қаршисида ёлғиз қолди. Бироқ бу жараёнга фақат салбий баҳо бериш бирёқламалик бўлади. Бу ҳолатни миллий китобхонлик маданиятимизнинг муайян адаптация босқичи, ўзига хос даври деб қабул қилиш лозим. Халқимиз бу синовдан ўтиб, оқни қорадан, бебаҳони арзондан ажратишни ўрганди. Гўёки маънавий “фаст-фуд”дан тўйинган жамият вақт ўтиб, яна мазмунан бой, тўйимли ва фойдали “миллий таом” — жиддий адабиётни қўрсай бошлади. Мазкур давр жамиятимизнинг бадиий дидини тарбиялашда, китобга нисбатан талабчанликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бугунга келиб ушбу табиий жараён яшилди, китобхонлик маданияти аста-секин ўз изига қайтмоқда. Эндикда аксар китобхонларда асарларни шунчаки эмас, балки саралаб, танлаб, таҳлил қилиб ўқиш кўникмаси шаклланди.

Бугунги кунда наشريёт-матбаа соҳаси жадал ривожланиб бораётгани кишини қувонтиради. Сифатли ва мазмунли китоблар чоп этишга ихтисослашган ўнлаб наشريётлар фаолият юритаётгани ижобий ҳолат. Уларнинг аксарияти жаҳон адабиётининг замонавий асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этмоқда. Энди наشريётлар нафақат мазмунга, балки китобнинг дизайни, муқовасининг жозибадорлиги, қўғозининг сифати каби жиҳатларга ҳам жиддий эътибор қаратаётди. Улар ўртасидаги соғлом рақобат эса китобхонлик маданияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугун китоб дўконларига кирсангиз, нафақат бадиий адабиёт, балки шахсий ривожланиш, бизнес, психология, илмий-оммабоп йўналишлардаги энг сўнгги асарларнинг сифатли таржималарини топишингиз мумкин. Бироқ бу соҳада ўзига яраша иқтисодий қийинчиликлар йўқ эмас. Қўғоз нархининг ошириб бориши, матбаа харажатлари китобнинг таннарихига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис, наشريётлар учун барқарор иқтисодий моделни имкон қадар тезроқ шакллантириш айти мудоао.

Бугунги кунда болалар адабиётига эътибор кўчаётгани келажак учун қўйилган энг мустаҳкам пойдевор, десак адашмаймиз. Ранг-баранг расмлар билан безатишдан, болалар психологиясини инобатга олган ҳолда ёзилган эрталар, шеърлар ва маърифий китоблар ёш авлоднинг китобга меҳр қўйишида, уларнинг тафаккури ва тасаввур оламини бойитишда беқиёс аҳамиятга эга. Болалигидан китобга ошно бўлган фарзанд улайғач ҳам унга содиқ дўст бўлиб қолиши шубҳасиз. Шу билан бирга, замон ўзгаришлари билан эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Электрон ва аудиокитоблар оммалашуви китобхонлик учун янги уфқларни очмоқда. Ёшларнинг замонавий технологияларга мойиллигини ҳисобга олиб, ушбу платформалардан унумли фойдаланиш, миллий адабиётимизнинг энг сара намуналарини электрон форматга ўтказиш ва уларни кенг

оммага қўлай тарзда етказиш долзарб вазифалардан биридир. Шу ўринда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Мутулаа” иловаси яратилиб, унинг яхши самара бераётганини қайд этиб кетишни истардим.

Ўртимизда китобхонликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани соҳада улкан ютуқларга замин яратмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг тўртинчиси айнан ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилгани бежиз эмас. Шу асосда республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам янги кутубхоналар очилмоқда, мавжудлари замонавий ахборот-ресурс марказларига айлантирилмоқда. Бугунги

замонавий ўзбек адабиёти жамиятни ўйлантираётган энг оғриқли муаммоларга жавоб излашга қодир эканини исботлади.

Шу ўринда бугунги кун ёзувчисининг зиммасидаги масъулият ҳақида тўхталиш жоиз. Янги Ўзбекистон ёзувчиси шунчаки ижодкор эмас, у ўз даври солномачиси, жамият виждонининг овозидир. Унинг вазифаси фақат ютуқларни мадҳ этиш ёки камчиликларни фош қилишдангина иборат эмас. Ёзувчининг бурчи инсон қалбининг энг чуқур қатламларига кириб бориш, замонамиз қаҳрамонининг мураккаб ички дунёсини, изтиробирано қувончларини, фожиясино юксалишини ҳаққоний акс эттиришдир. Ана шундангина адабиёт ўзининг эзгу вазифасини — инсонни маънавий поклаш ва юксалтириш вазифасини бажара олади.



кутубхона шунчаки китоб сақланадиган жой эмас. Улар ёшлар йиғиладиган, фикр алмашадиган, янги лойиҳалар устида ишлайдиган жонли ижтимоий маконларга, ўзига хос co-working марказларга айланиб бормоқда.

“Ёш китобхон” каби танловлар оммалашуви минглаб йигит-қизларни китоб олами ошно қилди. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан жаҳид маърифатпарварлари меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган туркум китоблар наشر этилиши ёшлар орасида катта акс садо берди. Бу лойиҳа тарихий шахсларни шунчаки қуруқ биография маълумотлар орқали эмас, балки уларнинг тирик, жўшқин, халқ дарди билан яшаган инсонлар сифатидаги образини яратиб бера олгани билан аҳамиятлидир. “Академнашр” наشريёти томонидан чоп этилган “Ўзбек” туркум тўпلامлари эса замонавий ўқув адабиётининг энг яхши намуналарини жамлаб, китобхонлар томонидан севиб ўқилаётди. Ёзувчилар уюшмаси ҳам сўнгги йилларда бадиий юксак, миллий руҳ билан сўғорилган ўнлаб асарларни китобхонларга тақдим этмоқда.

Ёш ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романи наشر этилиши адабий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди. Бу асар ўзининг долзарблиги, теран фалсафий мушоҳадалари билан кенг китобхонлар оммаси эътирофига сазовор бўлиб, ўқирманлар орасида катта резонанс уйғотди. “Қўрқма” романи нафақат ўтган аср фожиялари ҳақида, балки бугунги кун кишини олдида турган маънавий танловлар, ўзлигини англаш йўлидаги қўрқувларни ениб ўттиш зарурати ҳақида баҳс юритгани билан ҳам қимматли. Унинг мисолида

Шу ўринда бир муҳим ҳақиқатни айтиб ўтиш керак: китоб шунчаки маълумот ташувчи восита эмас, у кучли тарғибот қуроли ҳамдир. Ҳар бир асар ортида муайян ғоя, дунёқараш, баъзан эса яширин мақсадлар туриши мумкин. Глобаллашув шаронтида дунёнинг турли нуқталаридан кириб келатган адабиётлар орасида миллий менталитетимизга, аънанавий қадриятларимизга эид ғояларни тарғиб қилувчи, тарихни сохталаштиришга урунувчи, ёшлар онгида истеъмолчилик қайфиятини ёки аксинча, нигилизмни шакллантиришга қаратилган асарлар ҳам учраб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Айнан шунинг учун миллат зиёлилари, адабиётшунослар, танқидчилар ва кенг жамоатчилик янги чоп этилаётган ҳар бир китоб билан мунтазам танишиб бориши, улардаги ғояларни таҳлил қилиб, жамиятга соғлом ва холис ахборот етказиб туриши айти мудоао бўлган бўлади.

Зиёлиларнинг вазифаси шунчаки “Бу китобни ўқинг, бунисини ўқиманг”, деб кўрсатма бериш эмас, балки жамиятда танқидий тафаккур маданиятини шакллантиришдан ҳам иборат. Шу билан бирга, жаҳон адабиётини таржима қилишдан чўчимаслик керак. Бу жараён маданиятлар мулоқотидир. Бошқа халқлар адабиётини ўқир эканмиз, биз нафақат уларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари билан танишамиз, балки ўзлгимизни ҳам четдан туриб кўриш, қадриятларимизни қайта таҳлил этиш имконига эга бўламиз.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.